Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 10 август, пайшанба. №96 (21.859.) Сотувда эркин нархда.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА СУҲБАТ

9 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцариянинг ташқи ишлар бўйича федерал департаменти раҳбари Флавио Котти билан учрашди.

Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Пауль Випфли иштирок этди.

(ЎзА).

ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИГА – ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯЛАРИ

Иқтидорли ёшлар — юрт келажаги. Мустақил республикамиз ёшлари орасида ана шундай истеъдод соҳиблари кўплаб топилади. Шу йилнинг ўзида ундан ортиқ ёш созанда жаҳоннинг турли мамлакатларида, жумладан, Франция, Англия, АҚШ, Германия сингари давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда иштирок этди. Уларнинг кўпчилиги совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бундай истеъдод эгаларига катта умид билан қарамоқда. Уларни қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ижрочилик маҳорати билан республикамиз мусиқа санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган икки нафар ёш созанда — Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатининг 5-синф ўқувчиси Даниил Холиқов ва Фарғона вилоятидаги 25-мусиқа мактабининг 3-синф ўқувчиси Лазиз Зокиров Президент стипендиясига муносиб топилди. Бу мукофот Президентнинг ақадемиклик гонорарларидан ташкил топган. Юртбоши назарига тушганларнинг биринчиси Буюк Британияда ўтказилган ёш скрипкачилар халқаро танловида мусиқа шайдоларини лол қолдирган бўлса, иккинчиси — Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика халқ чолғу асбоблари ижрочилари кўрик-танловида моҳир ғижжакчи сифатида шуҳрат қозонган.

9 август куни Президент девонида ана шу икки ёш созандага Президент стипендиясини топшириш маросими бўлди. Унда тегишли вазирликлар, идоралар раҳбарлари, ёш санъаткорнинг устозлари иштирок этди.

Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев мамлакатимиз раҳбари ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериб келаётгани туғрисида гапирди. Республикамизда истеъдодли ёшлар кўплигини, уларни излаб топиш, Президентимиз ташаббусини кенг ёйган ҳолда, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмак бериш ҳар бир вазирлик ва идора раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Муофотланганларга Президент стипендиялари билан бирга қимматбаҳо совғалар ҳам топширилди.

Тадбирда республика Олий Мажлиси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродов иштирок этди.

(ЎзА).

ТАДБИРКОРЛИК КУНДА КЕРАК

Яккабоғ туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа-ширкат хўжалиги ғаллакорлари бу йил 14 иш кунида давлатга ғалла сотиш режасини туманда биринчилардан бўлиб ошиги билан бажаришди. Жами 540 гектар майдоннинг 340 гектарига сувли, 220 гектарига лалми бўғдой экилиб, давлатга 800 тонна дон сотилди. Хўжалик ҳисобига 150 тонна сара дон уруғи жамгарилди. Экин майдонлари маданий ўғит билан озиқлантирилиб, 4-5 марта суғорилди. Тоғ олди қизил тупроқли майдонлар бўлишига қарамай гектаридан 38-40 центнердан бўғдой олинди. Аввалроқ арпадан бўшаган 64 гектар майдонга такрорий экин сифатида чигит қадалиб тўлиқ ундириб олинди.

Бугун ғўза ниҳолларининг ривожи яхши. 70 гектар майдонга сепилган маккажўхори, 30 гектар мош, 10 гектар кунжут уруғи тўлиқ кукариб чиққанига анча бўлди. Галла уруғини тез ва соз якунлашда эса Шербобо Бобоёров, Хўжалик Бердиев каби комбайнчиларнинг хизмати катта бўлди. Урим-йиғим илғорларига хўжалик маъмурияти 1 тележкадан сомон, 50 килограммдан бўғдой, 5 килограммдан усимлик ёғини мукофот тарзида ажратди.

Тадбиркорлик ўз самарасини бермоқда. Ҳозир 550 гектар майдонга экилган ғўза ниҳолларининг авжи баланд. Мўлжал ҳам катта-да. 1480 тонналик пахта хирмони бунёд этиш учун хўжаликда имкони борича тадбиркорлик билан иш юритиляпти.

Ғози РАҲМОН.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллигига

ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Республика мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида Тошкентнинг Эски шаҳар қисми қиёфаси анча ўзгарди. Бу ердаги Қорасарой, Чимбой, Форобий ва Сағбон кўчалари тўрт баравар кенгайиб, ҳар бирининг эни 50 метрга етди. Тез орада сағбонликлар бу кўчада ҳаракат фақат бир томонлама бўлганини унутиб юборишади: эндиликда Сағбон кўчасидан автобус ва тролейбуслар қатнайди, Октябрь бозоридан Қорақамиш даҳасигача йўл анча қисқаради.

Шаҳарнинг янги бош планига мувофиқ, бу кўчалар четида, бош универсал магазин орқасида ва «Ғунча» кинотеатри ёнида янги даҳалар пайдо бўлади. Бу ерларда янги кўп қаватли уйлар қад кўтармоқда. Шу билан бир вақтда савдо, ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар ҳам фойдаланишга топширилади.

Ҳозиргача 1600 оила янги квартираларга кўчиб кирди. Йил охиригача яна 1500 квартира фойдаланишга топширилади.

ТЎЙГА ТЎЁНА

Олот туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида истиқлол байрами арафасида 422 ўринли мактаб фойдаланишга топширилади. Уни тумандаги 188-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари қурмоқда. Янги мактаб ишга туширилиши билан шу атрофдаги билим даргоҳларида ўқитишни бир сменада ташкил этиш имконияти туғилади.

(ЎзА).



НОЁБ МАҲСУЛОТ

елпиғичдан компьютергача ишлатилувчи эмалли мис сим Шаҳрихондаги «Волкар» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланмоқда

Ушбу маҳсулот тайёрловчи қўшма корхона истиқлол шарофати билан «Ўзқишлоқхўжаликтаъминотузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг вилоят бирлашмаси, Россиянинг «Волгакабель» ҳамда Шаҳрихон ремонт заводлари ҳамкорлигида ташкил топди. «Волгакабель»дан келтирилган дастгоҳлар Шаҳрихон ремонт заводининг бўшатилган цехларига ўрнатилди. Самаралик кабелсозлар, монтажчилар, маҳаллий мутахассислар шижоат билан меҳнат қилдилар. Дастлаб 30 нафар йигит-қиз «Волгакабель»га иш ўрганиш учун юборилди.

Ҳамкорларнинг ҳаракати билан дастгоҳлар қисқа муддатларда монтаж қилиб бўлинди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги байрами арафасида дастлабки тажриба маҳсулот — эмалли мис сим ишлаб чиқарилди. Вақт ўтиши билан корхонада ишлар илгарилади. 1994 йилнинг олти ойида 80 тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, амалдаги йилнинг шу даврида 103 тонна эмалли мис сим ишлаб чиқарилди. Буни пулга чақсак 12 миллион 730 минг сўм бўлади.

—Эмалли мис сим халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида ишлатилади, — дейди ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Абдураимжон Комилов. — Шунинг учун ҳам маҳсулотларга талабгорлар кўп. Мустақил ҳамдўстлик давлатларидан ҳам харидорлар топиляпти. Ҳозирча эмалланган мис симнинг олти хилини ишлаб чиқаряпмиз. Келгусида маҳсулотлар турини кўпайтиришни режалаганмиз.

Бошқа жойларда бўлгани каби корхона фаолиятидаги турли муаммоларни жамоа аҳиллик, изланиш ва ишбилармонлик билан бартараф этмоқда. Оддий бир мисол. Корхоналардан эмалли мис сим чиқиндилари қабул қилиниб Олмалиқ металлургия комбинатига топширияпти, эвазига эса мис сим келтириляпти. Маҳсулот ишлаб чиқаришдаги узилишлар барҳам топмоқда. Йилнинг олти ойида мана шу ҳаракат натижасида олиб келинган маҳсулот ҳисобига 47 тонна эмалли мис сим тайёрланганлиги ҳиссадорларнинг тадбиркорлик билан фаолият кўрсатганидан дарак беради.

—Жамоа асосини «Волгакабель» заводида тўрт ой тажриба ўрганиб қайтишган йигит-қизлар ташкил этади, — дейди «Волкар» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Абдулҳоди Усмонов. — Уларнинг малака ва иқтидори маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминламоқда.

Мутахассиснинг айтганидек турли ўлчамдаги ғалтакларга ўралган тилларанг маҳсулотлар кечагина қишлоқ хўжалигида ишлаётган, эндиликда ишчи коржомасини кийган ёшлар меҳнати билан яратилганининг ўзи фахрланишга арзигулик.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: «Волкар» ҳиссадорлик жамиятининг нешқадам ишчиси Фарҳодбек Жалилов.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

АСОСИЙ ҲАМКОРЛАРДАН БИРИ

Россия Хитойнинг Европадаги асосий савдо ҳамкорлари орасида Германиядан кейин иккинчи уринга чиқиб олди.

ХХР Ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, жорий ярим йилликда Россия ва Хитой ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 2,314 миллиард долларни ташкил этган. Бу рақам ўтган йилдагидан 3 фоиз кўплдир.

СУВНИ ИСРОФ ҚИЛМАНГ

Жаҳон банки ҳисоботига кўра, келгуси ўн йилликда давлатларнинг сув заҳираларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 600 миллиард доллар сарф бўлар экан.

Жаҳон банки вице президенти Исмоил Серагелдин сувни кўп миқдорда исроф қилмаслик учун зарур чораларни кўриш кераклигини айтди.

ЛИТВАГА РАСМИЙ ТАШРИФ

Норвегия мудофаа вазири Йорген Косму расмий ташриф билан Литвага келди.

Ташрифдан кўзда тутилган асосий мақсад икки мамлакат ўртасида «Мудофаа соҳасида ҳамкорлик ва алоқалар тўғрисида»ги битимни имзолашдир. Литва шу кунгача 8 мамлакат билан бу хусусда шартнома тузган.

МУЗЕЙДАГИ ЎҒИРЛИК

Санкт-Петербургдаги шаҳар тарих музейида ўғирлик содир бўлди. Номаълум шахслар музейдан 7 дона қадимий фотоаппарат, рус императори Николай II га тегишли 14 та дурбин ва белкуракчани ўмариб кетган.

Маълум бўлишича, ўғирлик содир этилган бўлимда қўриқлаш ускуналари ўрнатилмаган, бироқ ҳеч қандай эшик бузиб очилмаган. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи вакиллари шунга асосланиб мазкур жиноятда музей ходимларининг ҳам қўли бор, деган фикрда.

Айни пайтда мазкур ўғирлик юзасидан жиноий иш қўзғатилган.

ЛЕЙПЦИГ ЯРМАРКАСИ

Шу йилнинг 13-16 сентябрь кунлари Германиянинг Лейпциг шаҳрида ҳисоблаш техникаси ва телекоммуникация воситалари ярмаркаси ўтказилади. Уни Германия ахборот тизими бўйича ишбилармонлар кенгаши, Ай-Би-Эм компанияси ва Лейпциг университети ҳамкорликда ўтказади. Ярмаркала жаҳондаги юздан ортиқ таниқли фирмалар ўз маҳсулотлари билан қатнашиши кутилмоқда.

ҲАРБИЙ ШИФОХОНАДА ДАВОЛАНМОҚДА

Загреб яқинида БМТнинг тинчликни таъминлаш кучлари таркибида хизмат қилаётган беш нафар норданиялик аскар ва бир зобит яраланди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Хорватия ҳарбийлари норданлик аскарлар турган жойга граната улоқтирган. Айни пайтда қаттиқ яраланган икки аскар Хорватия пойтахтидаги АҚШ ҳарбий шифохонасида даволанмоқда.

ЖИНОИЙ ГУРУҲЛАР ТУЗГАНЛИКДА АЙБЛАДИ

АҚШдаги Нью-Жерси штати раҳбарияти 25 кишини жиноий гуруҳлар тузганликда айблади. Айбланувчиларнинг 15 таси Россия ва собиқ Совет Иттифоқи республикаларидандир.

Маълумотларга қараганда, улар 28 сохта компаниялар тузиб, 140 миллион доллардан зиёд пулни ноқонуний узлаштирган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Кўнғироқ

КЎЗБЎЯМАЧИЛАР

ёхуд Шофиркон тумани молия бўлими ва Давлат солиқ инспекцияси фаолиятидан «чизги»лар

Туман прокуратураси биноси ҳар куни шикоятчилар билан тўла. Ҳаммада бир ташвиш:»Вақтида қўлларимиз пул кўрмайди...» Дўппини олиб ўйлаб қаралса, туман молия бўлими давлат бюджетидан ажратадиган маблағлар билан ойлиқхўрларни таъминлаш имконияти борга ўхшайди. Унда... Очиғини айтсак, туман молия бўлими ҳам, солиқ инспекцияси ҳам ой сайин режаларини дўндиришади. Қайси ҳисобдан? Мана, эшитинг. Вилоят молия бошқармасининг йил бошида тасдиқланган режаси ҳамда шу йил 1 январдаги 03-11-1-113-рақамли ва 1995 йил 11 апрелдаги 20-сон йўриқномаси билан киритилган ўзгаришлар бўйича туман солиқ инспекциясининг солиқлар режаси 5328,6 минг сўмга, молия бўлимининг маҳаллий бюджетлар даромади эса 3464,9 минг сўмга режалаштирилган. Солиқ инспекциясининг шу йил биринчи чорагидаги «1-Н» ҳисоботи бўйича ҳақиқатда 6406,9 минг сўмга ёки 120,2 фоизга, молия бўлимининг «Ф-3» ҳисоботи бўйича бюджет даромадлари 4499,2 минг сўмга ёки 129 фоизга бажарилганлиги кўрсатилган. Аъло-ку!

Минг афсуслар бўлсинки, прокуратура томонидан юборилган қилни қирқ ёрадиган текширувчилар юқоридаги рақамлар сохталигини аниқладилар. Ҳисоботларда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликларга йўл қўйилган. Туман молия бўлими мудири Раҳимқул Янгиев, солиқ инспекцияси бошлиғи Иброҳим Тўқсонов, «Пахта»банки туман бўлим бошқарувчиси Қамбарали Тошевлар амалдаги йўриқнома, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги 600-сонли қарори, республика Молия вазирлигининг шу йил 3 январдаги 8-сонли буйруғига асосан, 1995 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинган 20 фоизли амортизация ажратмаси, 3,5 фоизли ижтимоий суғурта ҳамда колхозчиларнинг иш ҳақи жамғармасидан тўловлари 1994 йил ҳисобидан тўланмай қолган шу турдаги солиқлар тўлиқ республика бюджетига кўчирилиши лозимлигини унутиб қўйдилар. Р. Янгиевнинг «Пахта» банки бошқарувчиси номига йўллаган 1995 йил 13 январдаги 13-сонли алоқа хатига асосан барча даромадлар туман маҳаллий бюджетига туширилаверган.

Натижа-чи? Шу йил 17 январда С. Шарипов номли жамоа хўжалигидан 389776 сўм, Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан 463463 сўм, ҳаммаси бўлиб 853240 сўм тўловлар қонунсиз равишда тўғридан-тўғри маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилиб, тўлиқ даромадга олинган. Қайсики, ушбу тўловлар туман солиқ инспекциясининг ҳисоб рақамларига тушиб белгиланган ажратмалар 000120701-, 000120203 ҳисоб рақамлари орқали маҳаллий бюджетга тушиши керак эди.

Маълумки, халқ таълими ходимлари, ўқитувчи ва хизматчиларни маош билан ўз вақтида таъминлаб туриш эса ҳам фарз, ҳам қарздир. Вилоят молия бошқармасининг шу йил 15 февралдаги 02- 36- 126-рақамли хати ва белгиланган қоидаларга хилоф равишда туман солиқ инспекцияси томонидан биринчи чорак режасини бажариш ниятида молия бўлими томонидан шу йил 31 мартдаги 029-сонли тўлов кафолатномаси билан иш ҳақи, пенсия ва нафақалар учун халқ таълими бўлимига кўчирилган 400 минг сўмни шу куннинг ўзида 127-кафолатнома билан иш ҳақидан ушланган даромад солиғи учун, деб солиқ инспекциясига ўтказилган. Туман халқ таълими бўлими шу йил 1 апрель ҳолатида 323649,39 сўм даромад солиғи тўлаш ўрнига 690000,10 сўм тўлаган. Бу эса 366350,61 сўм ортиқчадир.

Энди ўйлаб кўринг, жорий йилнинг 1 апрелида халқ таълими бўлими ўқитувчи ва хизматчиларга 1 миллион 620 минг сўм иш ҳақи тўлаши лозим бўлган бир пайтда туман солиқ инспекциясидагилар беш панжаларини оғизларига тиқишган. Ўқитувчилар эса пулсиз қолганлар. Туман молия бўлими мудири Р. Янгиев, солиқ инспекцияси бошлиғи И. Тўқсоновларнинг қистови билан уч нафар солиқчи оёғини қўлига олиб халқ таълими бўлимига чопишди. Улар бўлим мудири Х. Вафиев, бош ҳисобчи Н. Мавлоновларга 400 минг сўмлик тўлов кафолатномасига амаллаб имзо қўйдиришди. Оқибатда ушбу маблағ ўқитувчиларнинг қўлига тегмай, шу куниёқ ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақидан олинган даромад солиғи сифатида солиқ инспекцияси ҳисоб рақамига кўчирилган. Охир-оқибатда бир неча мактаб жамоаларининг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказилди. Ва шикоятлар ҳам кўпаяди.

Буниси ҳали ҳолва экан. Шу йил 31 март куни молия бўлими томонидан 7 та жамоа хўжалигига 2-16 ёшли болалар учун 360 минг сўм нафақа пули «берилган». Шу куннинг ўзидаёқ солиқ инспекцияси бу пулни 1994 йил ҳисобидан боқиманда бўлиб қолган колхозчиларнинг иш ҳақи фондидан тўлов солиғи сифатида кесиб олган. 360 минг сўм тўғридан-тўғри республика бюджети ҳисоб рақамига туширилди. Ҳолбуки, Ш. Рашидов номли, Бобур номли, Ж. Сатторов номли, И. Мўминов номли, А. Навоий номли, Й. Охунбобоев номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида 1994 йилнинг сентябрь ойидан то ҳозирга қадар 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун оналарга умуман нафақа пули берилмаган.

Шунингдек, худди шу куни молия бўлими томонидан туман марказий касалхонасига иш ҳақи, пенсия, нафақа, озиқ-овқат учун харж қилишга берилган 400 минг сўмнинг 200 минг сўми ҳам юқоридаги тартибда ўша заҳотиёқ ишчи-хизматчиларнинг даромад солиғи сифатида 52-кафолатнома билан солиқ инспекциясига кўчирилган. Марказий касалхона шу куни солиқ инспекциясига 55896,67 сўм ўрнига 200 минг сўм кўчирган. Орадаги фарқни таъкидлашга ҳожат қолмаса керак. Шу йил 1 апрель ҳолатида марказий касалхона ходимларига 302155 сўм ойлик маош тўланиши кераклигини ҳар иккала банк ташкилоти раҳбари билмайди, дейсизми, билади. Ана шундай қинғир ишлар эвазига молия бўлимида ҳам, солиқ инспекциясида ҳам биринчи чорак режаси ошириб бажарилган. Орадаги фарқ олиб ташланса, режа 87,5 фоизга бажарилганлиги аён бўлади-қолади. Туман молия бўлими 1 чорак режасини асосан республика бюджетига тушиши керак бўлган 1 миллион 184 минг сўм маблағни маҳаллий бюджет ҳисобига тушириб, у маҳаллий бюджет ҳисоботининг даромадлар қисмига қўшилиши ҳисобида режа бажарилган. Шунинг эвазига молия бўлими ходимлари қонунсиз равишда 4272 сўм мукофот пулини ҳам олганлар.

Булардан ташқари, туман молия бўлими шу йилнинг 1 чорагида 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар учун нафақа пули маблағларини ҳам ортиқча молиялаштириб, шу йўл билан бу маблағни тегишли мақсадларда хоҳлаган вақтда ишлатиш учун шароит яратганлар. Жумладан, «Вардонзе» қўшма корхонаси молия бўлимига топширган ҳисоби бўйича болаларга 1 чоракда 16 минг сўм нафақа пули берилиши таъкидланган. Аммо молия бўлимидаги ҳотамтойлар кетса бойдан кетибди-да, деган қабилида корхонага иккита тўлов кафолатномаси билан 166 минг сўм кўчиришган. Худди шунингдек, «Ҳайдаробод» жамоа хўжалигига 76385 сўм ўрнига 182475 сўм, А. Навоий номли жамоа хўжалигига 80560 сўм ўрнига 200012 сўм, ҳаммаси бўлиб 112452 сўм кўп маблағ молиялаштирилган.

Мана шуларнинг ўзидан кўриниб турибдики, туман молия бўлими, Давлат солиқ инспекцияси ва «Пахта» банкининг мансабдор шахслари қонунни хоҳлаган пайтда четлаб ўтиб, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам сохта шуҳрат орттириш, чўнтакларини мўмай мукофот пули билан қаппайтириш ниятида ўзаро келишиб ишлаганлар десак хато бўлмайди. Ахир, банкдаги ҳар қандай пул муомаласи бошқарувчисиз бўлмайди-ку! Халқимизда текинга мушук офтобга чиқмайди, деган мақол бор. Халқ таълими бўлими, марказий шифохона, талайгина жамоа хўжалиги раҳбарлари иложсизликдан уларнинг хоҳишига рози бўлишгандир. Буниси энди эҳтимол. Акс ҳолда ишлари асло ўнгидан келмай, банкдан қуруқ қайтаверишлари турган гап эди.

Яна шуни таъкидлашимиз керакки, шу йил 31 мартда қонунсиз маҳаллий бюджет даромадига олинган 495 минг 620 сўм прокуратура аралашуви билангина маҳаллий бюджет ҳисобидан олиниб, республика бюджетига кўчирилди.

Шофиркондаги бундай кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар газак олмай, узбошимчаларни тизгинлаб қўйиш керак албатта. Токи, бундай нохуш ҳолатлар бошқа такрорланмасин.

Мирза НУРМАТОВ,
Шофиркон тумани прокурори.
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЧИНГДАГИ ТЎҒРИ ЧИЗИҚ

(Очерк)



1

Қашқадарёнинг ярми шоир, қолган ярми бошқа ҳар хил касбдаги кишилар. Тўрғайлар эса, у юртда, шоирлардан ҳам кўп. Аммо бир шоир бор ул ота-юртда. Тўрғайдай сайрайди. Бошқалардан ажралиб туради. Олим Тош, дейдилар уни. Лекин шоирлик даъвоси ҳам, шуҳрати ҳам йўқ. Ўша:

— Салим, ҳар бир одамнинг ичида тўғри чизиқ бўлади, — дейди ва кўрсаткич бармоғи билан ҳавода чизиб кўрсатади. — Унинг бир учи юракда, иккинчи учи Худода. Бу оддий чизиқ эмас, умр йўли. Одамнинг ҳаёти ана шу йўлдан бир карра юриб ўтиш. Магар кимики Ҳаққа етмай шу тўғри чизиқдан оғса, у ҳалок бўлади — тириклай. Бу чизиқ одам билан бирга эгилиши мумкин. Бироқ синмайди.

Олим аслида образли гапирмайди. Ҳаётий мисолларга таяниб мулоҳаза юритади. Журналист-да—касби. Унинг гапи менга таъсир қилади. Ва мен сўрайман.

— Олим, сен таниқли, юрт кезган журналистсан. Вилоятни рўзғорингдан яхшироқ биласан. Айт-чи, Қашқадарёда «ичидаги тўғри чизиқ» синмаган бирон кишини топиш мумкинми?

У бирдан жонланиб ўрнидан қайта туради.

Мен сари хиёл энгашиб, одатича тез, тўхтамай, ҳам сўз ва фикрда адашмай гапиради. Чап қўли столнинг четидан қаттиқ ушлаган. Ўнг қўлини кафти юзимнинг рўпарасида муаллақ туриб, тўрғайдай тинмай қанот қоқади:

— Мен сенга геометриядан, ҳандаса дейсанми сен, дарс ўқиётганим йўқ... Бу тўғри чизиқнинг оти — Ҳақиқат... Сен тошканлик бўлиб, узоқлашиб кетгансан. Қашқадарёда ҳеч кимни билмайсан... Масалан, мисол учун Одил Чўли...

Олимнинг шафқатсизлигини биламан. Кези келганда аямайди. Олимнинг шафиқлигини ҳам биламан. Мен танимаган, аммо танишим зарур бўлган одамларнинг номини айтади. Юртдан бегоналашиб кетмасин, деб ўйласа керак.

Одил Чўли... Бир-бирига унчалик қўшилмаётгандек туюлган бу икки ном — битта исм — ўсиб-ўсиб катталаша бошлайди. Камтар дастурхон, мен танимаган Одил Чўли ҳақида гапираётган Олим, гулқоғозлари тўза бошлаган девор — ҳамма-ҳаммаси осмонга кўтарилиб кетади. Қаршимда Одил Чўли деган улкан, сирли ва сеҳрли қўрғон пайдо бўлади. Мен энди унинг дарвозасини топиб, қўрғоннинг ичига кира билишим керак.

2

Иккиланиб қолдим: бу уч одамнинг қай бири Одил Чўли экан? Бу эмас — чунки жуда ёш, посон. Буниси ҳам эмас — чунки, тўғри гаплазордан келаяпман, дейди. Уст-бошига даланинг гўбори қўнган. Ҳа, мана буниси бўлиши керак. Чўлдаги барча «катта»ларга хос оқ шляпа, иссиқ бўлса-да, кўк костюмшим кийган. Ўзиям, менга ўхшаганларнинг тўрттасича келади.

Шу одамни Одил Чўли деб ўйлаб кузата бошладим. Ҳақиқий раҳбар. Эт боғлаган. Димоғдор. Одамларни менсимай гапиради. Атрофдагилар унга «Полвон ака», деб мулозамат қилади. У эса ҳамма билан қўл учида сўрашади-да, чеккадаги, охирги кўришган кишининг қўлини улкан кафтларидан чиқармайди. Ёш йигитлардек унинг қўлини сиқади. Кифтларига уриб-уриб, белини қайириб қўяди. Бироз ўтгач, мажлисим бор эди, шу бош оғриққа келувдим, дейди-да, тап-тап қадам ташлаб, ҳокимлик биноси томон кетади.

Тасаввурим алдаганини англайман. Энди кимнинг Одил Чўли экани аён бўлиб қолди. Бу — ҳали ёш, посон. Бу эса...

Бу одам бошқача экан. Мен кўп йиллар партия ва ҳукумат ишида раҳбарлик қилган ходимларни унча-мунча кўрганман. Биламан. Бу одамнинг эса табиати бошқача. Феълли уларга ўхшамайди. Мен билган партия ходимларининг бир тоифаси «полвон ака»га ўхшайди. Яна бир тоифаси бор — идоранишин. Ҳаётдан узилган. Овқатланмоқчи бўлса ҳам оқ кўйлакка қора галстук тақиб олади. Образли қилиб айтганда, «қўлини совуқ сувга урмайди» ва бу бутун нуқсида акс этиб туради. Виждонан айтишим керак, мен уларга писанда қилаётганим йўқ. Ҳар кимнинг ўз хизмати, ўз вазифаси.

3

Одил Чўли ўрта бўй, ўрта ёш кўринади. Вазмин ва мулоҳазали эканини одамнинг юзига қарамай, шошмай, гапиришидан, гапираётганда гап оҳангига мос равишда кўзларини очиб-юмишидан билса бўлади. Сочлари сийраклашгандай туюлади. Юзи, қобоғи, пешонасидаги чизиқлар ажинга эмас, кўпроқ ингичка ипга ўхшаб қимирлайди. Қиёфасидан — ҳақиқий чўллик. Катак кўйлагининг енгини ёш йигитлардек қайириб олган. Бу унинг кўринишига ишчанлик, хизматга шайлик, шахду шиддат нурини сочади.

Хуллас, Одил Чўли тугилган муштга ўхшайди. Қурч.

Хуллас, Одил Чўли тўқ ёнғоққа ўхшайди. Иссиқдан нафас қайтади.

Биз дарахт соясида эдик. Бир бобо келиб қолди. Чўллик қарияларга хос тарзда оёғига ковуш илдириб олган. Яктак, унинг устидан чопон кийиб белини боғлаган. Бошида телпак. Негадир, чўлда саратоннинг жазирамасида ҳам қариялар шундай кийиниб юришади. Айтишларича, бир терлагандан кейин одам муздек бўлиб юрармиш.

— Бир шаҳрингга (қишлоқларда туман марказини ҳам шаҳар дейишади) тушган эдим, Одилжон, болам. Кўриб, саломатлигингни билиб кетай дедим.

Одил Чўли уч йил олдин қариянинг «пенсия» ҳужжатларини тўғрилашга кўмаклашиб юборган экан. Шундан буён йўқлаб туради, дейди у. Менинг хаёлимдан эса, одамлар орасида ХДПнинг обрўйи бор эканки, котибга ёрдам сўраб мурожаат қилишади, деган фикр кечади. Бундай ёрдамлар эса чиндан ҳам партиянинг нуфузини кўтаради.

Ужурналист билан журналист, деҳқон билан деҳқон, чўпон билан чўпон, ёш билан ёш, кекса билан кексадек гаплашади. Шунданми, Қашқадарёда «Одил Чўли» машҳур одам. Номидан ҳам билса бўладики, у бутун етти пушти билан шу чўлда илдиз ёйиб, шу тупроққа сингиб кетган. Касби, Муборак, Нишон ерларига унинг ҳаёт дарахтининг барглари тўкилган.

4

— Соат ўн бирда бизга жувоб берасизлар. Келинимизди зардолисини ўтказаётган эдик. Бориб ўтирмасам бўлмайди.

Чўлда мева-чева асли кам бўлади. Бўлгани тилни куйдирар даражада ширин. «Келиннинг зардолиси» иборасини биринчи бор эшитаётганим учун у келин билан боғлиқ зардолими, зардоли билан боғлиқ келинми, тушунолмадим. Ҳар ҳолда, келинни тушириб келишдан аввал ўтказиладиган одат бўлса керак деб ўйладим.

Биз шу ўрингача «Одил Чўли» деб ёзиб келаётгандик. Чунки, ҳамма уни шундай дейди. Ўзига эса «Одил ака» деб мурожаат этишади. Бироқ, энди унинг фамилиясини тўлиқ — «Чўлиев» деб ёзмасак, ҳикоямиз юришмайдиганга ўхшаб қолди.

Одил Чўлиев — Ўзбекистон ХДП Усмон Юсупов туман кенгашининг биринчи котиби. Партия ташкилотларида суяги қотди. Чиниқди. Уни кузатиб, гап-сўзини тинглаб, англайманки, эътиқод лой эмас, уни хоҳлаган пайтда хоҳлаган шаклга солиш мумкин бўлса. Йўқ. Эътиқод одам умрининг ягона хулосаси. Балки, Олим айтган «ичингдаги тўғри чизиқ» эътиқоддир? Олим айтганидек, оламу одамни тутиб турган «тўғри чизиқ» чиндан ҳам эътиқоддир? Назаримда, Олим жуда тўғри кузатган экан, эътиқод яъни «тўғри чизиқ» Одил Чўлиевда чиндан ҳам бусбутун.

У яқинда яна бир янгилик қилди. Туман партия кенгашининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўзи янгича «штатный расписание» ишлаб чиқди. «Бу, менинг назаримда, барча учун энг қулай бўлади», — дейди ўзи.

Унинг яна бир янгилиги — ҳокимлик билан келишиб, туман партия ташкилоти ҳисобига 14 гектар ер олди. Партия ташкилотларини маблағ билан таъминлаш муаммо бўлиб турган ҳозирги шароитда асосан шу ер фойда бермоқда. Масалан, ердан ўттиз минг сўм даромад олинди. Қандай қилиб? Ерга арпа экилган эди. Ўримга четдан одам ёлланмади. Сабаби, у ҳолда чўнтакдаги пул четга оқиб кетарди. Бир ўқариқни қўлда ўрган одамга икки юз килограмм арпа, бир «тележка» сомон бепул берилди. Шу ҳам ижтимоий ҳимоя-да. Ҳозир партия ташкилоти эллик минг сўмни «дипозит»га қўйган. Бу ердан келаётган даромаддан ташқари. «Агар дипозитни юз минг сўмга етказа олсак, у ҳар ойда йигирма минг сўм туғиб туради», — дейди Чўлиев. «Даромадимизни аппарат ойлигига, эҳтиёжмандларга, яхши-ёмон кунда — муҳтожларга, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган турли тадбирларга сарфлаймиз». У ўзи қилаётган яхши ишларга урғу беришни истамайди. Инчунун, муҳтож ва кекса партия аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам берилаётганини, уларнинг кўнгли ўкситилмаётганини айтиб ўтиргиси, эзмалангиси келмайди, шекилли, индамайди. Аммо мен буни аллақачон билиб олганман ва «Рағбатлантиришнинг янги шакллари» деб дафтарчага ёзиб, тагига тўғри чизиқ тортиб қўйганман.

5

«Усмон Юсупов»да партия аъзолари орасида Амир Файзиев, Абдувоҳид Бегалиев сингари фермерлар, тадбиркорлар, хусусий мулк эгалари, зиёлилар ҳам бор. Туманда саккизта чорвачилик фермаси хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Жиноятчилик йилдан-йилга озаймоқда. Булар бари яхши. Аммо мен партия ҳаётидаги қандай муаммолар котибни кўпроқ қийнаётганини билишни истайман. Гапни айлантириб, «ишингиз олдин кетишига нималар тўсқинлик қилади?» қабилида ўсмоқчилаб сўрайман.

— Рақобатнинг йўқлиги, — дейди у икки қўлини столга тираб, гавдасини қўлларига ташларкан. — Мамлакатимизда бир неча партиялар тузилди. Улар фаолиятининг сустлиги бизга ҳам таъсир қилади. Одамларимиз ХДП ҳам ўша партияларнинг биттаси-да, дея қўл силтамасалар деб қўрқаман. Яна, кадрлар масаласини олинг. Ёш партия кадрларини тайёрлашни йўлга қўйиш керакка ўхшайди. Негаки, аксарият партия кадрларимиз ўрта ёшдан ўтган. Яхши кадрларни саралаб олиш учун «отзыв»лар, «характеристика»лар тартибини мукаммаллаштириш зарурми дейман. Ахир, бизда «профессионал партия ходими» деган касб шаклланиб бўлган-ку. Партия мутахассисларини тайёрлаш соҳасида ҳам устоз-шогирд деган анъанага таяниш керак. Яна ҳокимиятлар билан партия ташкилотларининг алоқасини изчил ва уйғунлаштириш фойдадан холи бўлмайди.

— Одил ака, тўғри, партиялар кўпаймоқда. Ҳаммасининг ўрни, нуфузи бор. Кўппартиявийлик шароитида ХДПнинг обрўйини янада кўтариш учун тағин нима ишлар қилиш керак деб ўйлайсиз?

— ХДП — парламент типидаги партия. Сиёсий партияларнинг ҳаммаси пировард мақсадда ҳокимият учун курашади. Бу кураш, албатта, одил, демократик сайлов йўли билан амалда ўз ифодасини топади. Ўтган сайловларда ҳокимликлар, кенгашлар ҳам ҳокимият учун ўтди. Ҳокимиятнинг манфаатлари тургач, ўз номзодларини ўтказиш партияга осон кечмади. Навбатдаги сайловларда эса номзодлар учун фақат партиялар курашади. Бу, шубҳасиз, ҳозирданоқ ўз ишимизга янгича талаб билан ёндошишимизни тақозо этади.

Мустақилликка эришдигу кўпроқ иқтисодий масалани, иқтисодий муаммоларни биринчи ўринга қўйдик. Мафкура масаласи, бироз унутилгандек бўлди. Яхшиямки, бу йўлнинг тўғри эканини муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ўзи таъкидлади. Юртбошимизнинг ўзи мустақиллик мафкурасини яратиш учун файласуф ва ёзувчиларимизни, ҳуқуқшунос ва шоирларимизни, жами зиёлиларимизни сафарбар этди. Энди Президентимизнинг Давлат интизоми, Қонун интизоми, Ижро интизоми, Меҳнат интизомини тубдан янгилаш, мустаҳкамлаш учун қилаётган саъй-ҳаракатлари жудаям тўғри. Ва яқин фурсатда ўзининг самарасини беражакдир...

Одил Чўлиев сиёсий жиҳатдан етук партия ходими. Мулоҳазалари ўткир. Унинг яна бир фазилати — ўз фикрини мутлақ ҳақиқат, ҳукм сифатида бошқаларга, қўл остида ишлаётганларга ҳам ўтказишга уринмайди. Бегараз баҳсдан қочмайди.

У соатига тез-тез қараб қўяверади. Безовталанади.

— Энди бизга жувоб берасизлар, — деб қўзғалди. — Келинимизди зардолисини ўтказаётган эдик. Бориб ўтирмасам бўлмайди. Сиз меҳмонларни уйга таклиф қилай десам, шунақа вазият.

Биз машҳур Одил Чўлининг фасоҳат ва зарофатга тўла гурунгига тўймай қолдик.

Чўлиев тўғрисида гапирганда унинг устозлик сифатига тўхталмаслик мумкинмас. Шогирдлари бутун Қашқа воҳасига ёйилиб кетган. Албатта, уларнинг орасида содиқлари ҳам, панд берганлари ҳам йўқ эмас. Содиқ шогирдлардан бири, Қашқадарё вилоят партия кенгашининг масъул ходими, ажойиб инсон Довуд Маъдиев шундай дейди:

— Мен Одил ака билан кўп йиллар бирга ишлаганман. У тоза раҳбар. Билимдон. Меҳрибон, қаттиққўллиги ҳам бор. Ўзи оддий ва содда одам. Иш вақти тугаса ҳам раҳбар кетмагани учун ундан олдин кетишга истиҳола қилиб турсам, бўлдибўлди, кетавер уйингга, мен ҳали бироз қолиб ишлайман, деб мени кеткизворарди. Табиийки, ундан яхши гапни ҳам, ёмон гапни ҳам эшитганман. Лекин, барибир, унинг нимасигадир тан бераман. Қайсидир жиҳатларини тан оламан. Шунданми, уришганини ёки кўнглимга текканини ҳеч эслай олмайман.

6

Ўзбекнинг «миришкор» деган уруғи асосан Қашқадарёда яшайди. Бошқа ёқларга ҳам шу ердан тарқалган ҳисоб. Уруғнинг қадимий касб-кори, машғулоти номидаёқ акс этиб турибди. Шу уруғда марҳумнинг йилидан олдин ўтказиладиган «зардоли» деб аталган расм бор экан. Бу расм ўзбекнинг бошқа бирор уруғида учрамайди.

Биз кўнгил сўраш учун Одил аканинг уйига бордик. Дарвозадан ҳовли ичкарисигача қўлини кўксига қўйган дардманд қиёфадаги одамлар. Биз ҳам, қўлимиз кўксимизда ҳамдард қиёфада кириб борамиз. Сезиладики, бу умумкайфият Одил акага ҳам таъсир қилган. Жой олиб ўтирамиз. Тўрда, дарахт соясида чордона қуриб ўтирган қария тиловат қилади.

Узун дастурхонга, шундай маъракада нима қўйилса, ҳаммаси қўйилган. Ва яна катта-катта, олтиндай ялтиллаган зардолилар.

«Марҳум зардоли пишиғига ета олмагани учун шундай қилинади», — дейишди ўша ерликлар.

7

Кунлардан бир куни Тошкентдан Одил акага қўнғироқ қиламан. Унинг ўстози кимлигини билгим ва унинг номини ҳам ёзувларимга киритиб ўтишни истайман. Нарёқдан таниш, вазмин овоз эшитилади.

— Одамни фикрини бойитадиган ҳам, одамни пишитадиган ҳам шу ҳаёт экан. Иш жараёнида энг кўп нарсани кўрар экансиз. Яхши-ёмонни, иссиқ-совуқни... — Ва у чиндан ҳам ўзига устоз билган одамларнинг номларини айта бошлайди. Аммо мен аллақачон, «Устози» — деган жойга «—Ҳаёт» деб ёзиб, тагига тўғри чизиқ тортиб қўйганман: «————».

— Мукофотлар, қанақа мукофотлар олгансиз? — деб сўрайман шошиб-пишиб. Очиғини айтганда, одатдагидек, телефоннинг энг зарур пайтда узилиб қолишидан чўчиб турибман.

— Шунча йил партия соҳасида ишлаб, бир марта ҳам партиявий жазо олмаганман. Ҳатто огоҳлантириш ҳам. Шунинг ўзи бўлади бизга.

Мен «Мукофотлари —» деб ёзилган жойга йўғон қилиб битта тўғри чизиқ тортаман: «————» .

Ва ўйлайман: балки унинг энг катта мукофоти элу юртнинг эътирофидир. Балки, чиндан ҳам мана шу тўғри чизиқ, Олим Тош айтган «ичингдаги тўғри чизиқ»дир. Наҳотки, эллик беш йиллик ҳаёт масофасини босиб ўтган инсон умрини, рамзий маънода бўлса-да, битта қисқагина тўғри чизиқ билан ифодалаб бўлса? Ҳаққа, Ҳақиқатга элтадиган йўл — умр, эгилса ҳам синмайдиган тўғри чизиқдир.


Эҳтимол, бошқача, алоҳида одамларда шундай бўлар.

Сиз-чи, юриб ўтган йўлингиз, ҳаётингизнинг харитасини тўғри чизиққа сиғдира оласизми?

Эҳтимол, қачондир келиб у ҳам бирон мукофот олар.

Одил Чўли ҳақидаги ҳикоямиз эса ана ўшанда яна давом этади.

Салим АШУР.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Кимки Янгиерга бориб, «Шодлик» савдо-саноат фирмасининг ресторанига кирмаган бўлса, армонда десак лоф бўлмас. Чунки бу ерда тотли, сифатли ва арзон таомлар тайёрланади. Айниқса, моҳир ошпазлар томонидан тайёрланган «Пицца» кўпчиликка манзур бўлаётир. Хизмат кўрсатиш сифати ҳам аъло даражада.

Фирмада турли пиширириқлар, тортлар, нечеъелар тайёрланаётгани қувончлидир. У янгиерликлар ва шаҳарнинг кўплаб меҳмонларига манзур бўлаётир.

Фирма раҳбари Роза Ваҳобованинг айтишига кўра, талбирқорнинг юксак фазилати ҳалоллиқдир. Шундагина маҳсулот сифатли бўлади, нарх эса арзонлашади.

Савдо-саноат фирмаси 18 минг мирзачўлликка хизмат кўрсатади. Айни пайтда 8 та дўкон ва усти ёпиқ бозор қурилиши давом этмоқда.

Суратда: (чапдан) қандолатчи Алсу Ҳасанова, корхона раҳбари Роза Ваҳобова ва нон-булка цехи устаси Юрий Оганесьян.

Б. Тўраев (ЎзА) олган сурат.

Мулоҳаза

БОЖХОНАДА КИМ ТУРИБДИ?

Божхона хизматига давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини муҳофаза қилиш, ички бозорни, инсон соғлиғи ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш ёки давлат ва халқ ҳаётининг муҳим соҳалари юклатилган. Шунинг учун ҳам божхона соҳаси ходимлари кўп қиррали юридик, иқтисодий, тарихий, маданий соҳаларда чуқур билимга эга бўлишлари, халқаро муносабатларни яхши билишлари талаб қилинади. Қисқача қилиб айтганда, божхона ходимлари давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг фундаментал масалаларини тўғри талқин қила оладиган ва аниқ амалга ошира биладиган ходимлар бўлиши зарур.

Бу талабларга жавоб берадиган мутахассислар собиқ совет ҳокимияти йилларида ҳам ва ҳозир ҳам бироита ўқув юртида тайёрланмаган ва тайёрланаётгани йўқ.

Шуларни эътиборга олиб республика Бош божхона бошқармаси ходимларини ишга қабул қилишда имконияти борича юқоридаги талабларга жавоб бера оладиган фуқароларни танлашга интиляпти. Бу борада махсус суҳбатлар, ўрганишлар, тестлар ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланиляпти.

Ҳозир республика божхона тизимида ишлаётган ходимлардан 52 фоиздан кўпроғи олий маълумотли. Уларнинг ярми ҳуқуқшунос ва иқтисодчилар ҳисобланади. Юздан ортиқ ходим ўрта махсус мутахассисликка эга. Баъзилари эса турли ўқув юртларида сиртдан таълим олишяпти. Қолгани умумий ўрта маълумотга эга.

Божхона хизматининг ниҳоятда мураккаблиги ва хусусиятини эътиборга олиб 1994 йилдан бошлаб бу соҳага асосан олий маълумотлиларни ишга олиш татбиқ қилиняпти. Ишлаётган ходимларнинг аксарият қисми махсус тайёргарликка эга эмаслиги ва бу соҳа илгари республика тасарруфида бўлмаганлиги натижасида кўп қийинчиликларга олиб келяпти.

Россия божхона академиясининг малака ошириш институтида ҳар ойда 2—3 киши, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Академиясида эса ҳар ойда божхона терговолди суриштирув инспекторларидан 14 нафари малака оширяпти.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан 1994 йилдан бошлаб турли соҳаларда олий таълимга эга бўлган 50 нафар божхона ходими (1,5 йил ичида) иккинчи мутахассислик олиш учун ўқимоқда. 8 киши Қозоғистондаги икки йиллик божхона мактабида таълим оляпти.

Ходимларимиздан «Шереметьево» халқаро аэропортида 12 киши, Белорус республикасининг Брест божхонасида 35 киши хизмат сафарида бўлди.

Кадрлар тайёрлаш марказининг моддий базаси йўқлиги натижасида божхона ходимлари малакасини ошириш кўлами ойига 40-50 кишидан ошмаяпти. Шу йил май ойидан бошлаб республиканинг 7 вилояти учун Самарқандда ҳам бошланғич тайёрлов курси ташкил этилди.

Республика ҳукумати томонидан Бош божхона бошқармасига ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланадиган вазирликлар, ташкилот ва корхоналарга декларантлар тайёрлаб бериш вазифаси юклатилган. Шунга асосан фақат 1994—1995 йилларда бизнинг марказда 350 га яқин декларант тайёрланади. Лекин кадрларнинг малакасини ошириш кўлами ва сифати талабга тўлиқ жавоб бермайди. Агар бунга муносабат шу тарзда кетадиган бўлса, ҳозирги божхона тизимида ишлаётган ва малака оширмаган ходимларни бир ойлик курсларда ўқитиш учун яна 4—5 йил вақт керак бўлади. Бу аҳволда Республика божхона тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтариш чўзилиб кетади.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, божхона хизматининг хусусиятлари ва жаҳон мамлакатлари тажрибаларини ва унинг давлат мустақиллигини таъминлашдаги ролини эътиборга олиб Россия Федерациясида кейинги уч йил ичида божхона академияси ва Санкт Петербургда унинг филиали, божхона ходимлари малакасини ошириш институти, барча ҳудудий божхоналар ўқув марказлари очилди. Украина, Беларус, Молдово, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг Хўжанд вилояти ва бошқа МДҲ мамлакатларида божхона ўқув юртлари ёки марказлари ташкил этилди ва ташкил этилиш жараёни кетяпти.

Энди Президентимиз иборaси билан айтганда, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимларининг «касб маҳорати ва ахлоқий сифатларига бўлган талаб кескин ошади». Шундай тизим яратиш керакки, бунда ҳуқуқий органларда «кимнинг ишлашга ҳаққи бор, у қандай хусусиятларга эга бўлиши керак, унинг жавобгарлиги ва мансаб пиллапоясидан кўтарилиш шартлари ўз аксини топиши керак.

Алижон ҚЎЧҚОРОВ,
Бош божхона бошқармаси кадрлар тайёрлаш маркази бошлиғи.

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

БИР ДАРАХТНИНГ ИЛДИЗЛАРИ

Шу мавзуда Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси маслаҳат мажлисини ўтказди. Унга уруш ва меҳнат фахрийлари, фан ва маданият ходимларининг бир гуруҳи таклиф қилинди. Мажлис Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергеновнинг нутқи билан бошланди.

Узоқ ўтмишга, тарихга назар ташлар эканмиз, Шарқда, Туркистонда жаҳон маданиятининг пойдевори ташкил қилинганлигини яхши биламиз. Туркистонда, Самарқандда биринчи академия вужудга келди. Тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар ниҳоятда ривожланди. Эндиликда эса қадимги тарихимизни, маданиятимиз, фанимизни қайта тиклашда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Биз бунга фақат мустақиллик туфайли эришмоқдамиз. Шу билан бир қаторда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини улкан байрам сифатида нишонлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Улуғ саркарда ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида жойларда лекциялар, суҳбатлар, маданият саройларида, кутубхоналарда китоб кўргазмалари ташкил қилинмоқда. Марказий Осиё республикалари халқлари азалдан бир-бирлари билан яқиндан алоҳида яшаб, қуда-кудағайлик қилган халқлардир. Мажлисда шулар ҳақида фикр билдирилди.



ДЎСТЛИК ИПЛАРИ УЗИЛМАСИН

Мана бир неча йилдирки, Қозоғистоннинг Қозғут тумани билан Ўзбекистоннинг Тошкент тумани меҳнаткашлари бир-бирлари билан борди-келди қиладилар. Улар тез-тез бир-бирлари билан учрашиб муаммоларни биргаликда ҳал этадилар. Айниқса, Қозғут туманининг «Интимоқ» акционерлик жамияти билан Тошкент туманининг Абдураҳмонов номли давлат хўжалиги аъзолари бир-бирларига яқиндан ёрдам беришяпти. Қозоғистонликлар ўз қардошларига чорва озуқа етказиб берадилар. Ғалла етиштиришда яқин кўмакдош. Ўзбекистонликлар эса дўстларига мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берадилар.

Суратда: бригада бошлиғи Риҳсибой Қурбонов, қозоқ йигити Машхал Айтубаев, Тошкент тумани агрофирмаси директори ўринбосари Баҳодир Боймуҳамедов, «Интимоқ» акционерлик жамияти бош ҳосилоти Икром Меҳмонов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЯНГИ ЭЛЧИ ИШ БОШЛАДИ

Душанбеда АҚШнинг Тожикистон Республикасидаги янги элчиси этиб тайинланган Грант Смит иш бошлади. Шу муносабат билан у Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновга ишонч ёрлигини топширди.

ҚЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Хўжанд шаҳрида Тожикистон — Жанубий Корея «Кабул — Таджик Текстайлз» қўшма корхонасининг дастлабки навбати ишга туширилди. Корхона 36 миллион доллар низом жамғармасига эга. Маблағнинг 29 миллион долларига ускуналар сотиб олинди. Фабрика тўла ишга тушгач, унда 2 минг киши меҳнат қилади. Корхонада йилига 44 миллион квадрат метр газлама, 27000 тонна ип ишлаб чиқарилади. Фабрика учун кадрлар тайёрлаш, уни ускуналар билан таъминлашни Жанубий кореяликлар ўз зиммасига олган. Жуда кўп ёшлар Жанубий Кореяда касб ўрганиб қайтдилар. Улар Жанубий кореялик мутахассислар бошчилигида меҳнат қилмоқда.

ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ

Тожикистон авиакомпанияси иқтисодий қийинчиликларга қарамай талай йўналишлар бўйича самолётлар қатновини йўлга қўйишга интилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Уфа, Санкт-Петербург, Алмати, Бишкек шаҳарларига самолётлар учаётир. Яқинда Душанбе — Ашғабат авиа йўналиши ҳам тикланди. Шу йилнинг 20 августидан Душанбе — Теҳрон маршрути бўйича ҳаво йўли очилиши режалаштирилган.

ХАЛҚ НОИБИ ЎЛДИРИЛДИ

Тожикистон миллий парламенти ишлар бошқарувчиси, халқ ноиби Айнулло Неъматов номаълум жиноятчилар томонидан ўлдирилди.

РАТА—ТАСС ахборот маҳкамасининг маълумотларига кўра, хизмат машинасида кетаётган А. Неъматовга кўп қаватли уйларнинг биридан кириш жойидан туриб автоматдан ўқ узилган.

Жиноятчилар ҳали аниқланмагани йўқ. Тожикистон ички ишлар вазирлиги, хавфсизлик вазирлиги ва республика прокуратураси томонидан тузилган тезкор гуруҳ қидирув ишларини давом эттирмоқда.

ҚЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Қирғизистон пойтахтида «А. Туполев номидаги авиация илмий-техника мажмуаси» ҳиссадорлик жамияти Россия билан ҳамкорликда кичик самолёт ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхонани ишга туширди.

«Арнакс» деб номланган бу қўшма корхонада Ту-34 ва Ту-204 самолётлари ишлаб чиқарилади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЖАНОБИ ТАДБИРКОРЛАР, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ!

Сизларни 1995 йил 16 ва 17 август кунлари қурилиш материаллари ва металл маҳсулотларининг махсус ярмаркаси ҳамда биржа савдоси очилишига ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

"Ўзбекистон Республикаси (мол) хом ашё биржаси" акционерлик жамияти, "Ўзқурилишматериалсавдо", "Ўзметаллсавдо"

ҳамюртларимиз ва хорижий мижозларга сифати кафолатланган ҳамда аниқ баҳодаги маҳсулотларни таклиф этади.

Имконият бой берманг, жаноблар. Сизда омадли харид қилиш имконияти бор.

•Қуйидаги манзилда кутамиз:
Тошкент, Навоий кўчаси, 7.
Қўнғироқ қилинг, телефонлар:
41-11-81, 41-18-21, 41-22-54, 41-30-93, 41-37-54.

Диққат, янгилик!

«МАҲСУЛОТИМИЗНИ ХАРИД ҚИЛУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ»

«Ўзкимёфарм» раҳбариятининг қатъий гапи бу!

Соғлик - туман бойлик!.. Унинг олдига тушадигани йўқ. Ҳеч кимни ётгулик қилмасин. Бошингиз ёстиққа тегди дегунча, бутун оила аъзоларингиз оёққа туради. У дори керак,бу дори керак!

Кечагидек ёдимизда. Мамлакатимиз собиқ Иттифоқ даврида дори-дармон билан таъминлаш жиҳатидан охирги ўринлардан бирини эгалларди. Ҳатто оддий дорилар ҳам анқонинг уруғига айланганди. Арзимас бўлиб кўринган ош тузи эритмаси, беш-ўн фоизли глюкоза, горчичник ташқаридан келтирилларди. Иттифоққа мутеъ бўлиб, ўз ҳудудимиздаги фармацевтика корхонасига ўзимиз хўжайинлик қилолмай қолгандик. Шу боис ўша пайтда дори-дармон тақчиллиги кучайса-кучайдики, сира камаймади. Нима берилса, шу олинарди, берилмаса йўқ.

Мустақиллик буларнинг ҳаммасига чек қўйди. Бугунги кунда ўлкамизда ягона саналган «Ўзкимёфарм» корхонасида бўлган киши бу ерда юзга яқин дори-дармон ишлаб чиқарилаётганининг гувоҳи бўлади.

— Собиқ Иттифоқ даврида юрак қонтомир хасталигида қўлланиладиган целанит, рутин, кварцетин, аллапелин, асаб дардларига шифо ато этувчи галантемин, дезоксийпегамин эритмалари сингари ўттиз турдаги дори-дармонларга эгалик қилган корхонамизда — дейди бирлашма бош директорининг ишлаб чиқариш бўйича муовини Тоҳир Саъдуллаев, — эндиликда янги турдаги дориларни ўзлаштириш устида катта изланишлар олиб бориляпти.

Биз бунга корхона фаолияти билан танишганимизда тўла ишонч ҳосил қилдик. 1995-1996 йилларда бу ерда қирқдан ортиқ янги дори турларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш режалаштирилган. Жумладан, бундан буён левомицин, аспирин, анальгин, эуфеллин, валидол, интроцель, наъматак шарбати, пектин моддаси ва бошқа дорилар ўзимизда ишлаб чиқариладиган бўлди.

Шу ўринда яна бир янгиликни айтиб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса ҳозирги кунда жаҳон андозаларига тўла жавоб бера оладиган дори турларини ишлаб чиқариш мақсадида бирлашма қошида Германия - Туркия - Ўзбекистон ҳамкорлигида «Хёхст— Фарма» қўшма корхонаси ишга туширилиш арафасида турибди. У ноябрь ойидан бошлаб маҳсулот бера бошлайди. Хом ашё ва ёрдамчи маҳсулотлар четдан келтирилади. Албатта, бу жараён осонликча кўчмайди. Бирмунча мушкулликлар келтириб чиқариши табиий. Шунга қарамай хайрли мақсад йўлидаги уринишлар ўз самарасини кўрсатяпти.

Қувончли деб айтиш мумкин. Модда алмашувини ва вазнни меъёрига келтиришда муҳим омил бўлувчи интроцель дорисини биринчи марта шу корхона ўзлаштирди. Уни республикамиздаги «Техноцель» илмий - тадқиқот фирмаси ижодкорлари кашф этишган.

Бирлашма омборхонасида бўлганимизда бош директорнинг таъминот ва савдо масалалари бўйича муовини Ҳаким Манноповни суҳбатга чорладик.

— Мана бу аллапинин таблеткаси ҳамда эритмаси, — деди у, — инфаркт миокарднинг олдини олишда ва асоратини йўқотишда жуда катта ёрдам беради. Бундан ташқари бизда витаминга бой наъматак шарбати, новокаин 0,5, димедрол эритмаси, дибазол, аёллар камқонлик касаллигида ишлатиладиган дармон — гранула, фитин порошоги ва таблеткаси, ферамид, аскорутин, медамин, аллапинин, кверцетин, папаверин таблеткалари, олтингугурт, рух, бор малҳамлари етарлича топилади. Она — бола, универсал, транспорт ҳайдовчилар қутичалари ҳам мавжуд. Энг муҳими, маҳсулотимизни катта миқдорда харид қилувчиларга имтиёзлар берилади.

Ҳа, аҳоли саломатлигини тиклаш йўлида астойдил ҳаракат қилаётган бирлашма жамоаси имконият қидирмоқда, уни кенгайтириб, дори-дармонлар турларини кўпайтириб бормоқда.

Миршароф МУҲСИМОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

қуйидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Ўсимликлар физиологияси ва биохимия лабораториясига:

Мудирлик лавозимига:

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, академик, профессор;

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди (1 ўрин).

Бош илмий ходим қ. х. ф. н. (1 ўрин)

2. Ўсимликлар агрохимияси:

Мудирлик лавозими қ. х. ф. д. академик, профессор;
қ. х. ф. н. 1 ўрин

Бош илмий ходим қ. х. ф. н. 1 ўрин.

3. Агротехника бўлимига:

Мудирлик лавозими қ. х. ф. д. академик, профессор;
қ. х. ф. н. 1 ўрин

Бош илмий ходим қ. х. ф. н. 1 ўрин.

4. Нав яратиш бўлимига:

Бош илмий ходим қ. х. ф. н. 2 ўрин

5. Илмий котиб қ. х. ф. н. 1 ўрин.

Конкурсда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ариза, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, кадрлар шахсий варақаси, таржимаи ҳол, характеристика, дипломлар нусхаси, илмий ишлар рўйхати, расм 3х4 ҳажмда 4 дона.

Ҳужжатлар илмгоҳ илмий котибига топширилади.

Конкурс муддати эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 1 ой. Конкурсда нафақа ёшидаги бўлган олим ва олималар қатнашиши мумкин.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Авангард қишлоғи. Ўзбекистон шоличилик илмгоҳи.

Йўналиш: Амир Темур хиёбонидан Тошкент—Тўйтепа (терма автобусида «Рисоопытный» бекатигача борилади. Шаҳардан келиб ишловчилар учун метронинг Амир Темур бекатидан алоҳида хизматдаги транспорт юради.

"ЖЎРАБЕК"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ***"Жўрабек"*** хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг ***"Стерлинг Хелс"*** фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи ***"Панадол"*** дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда.

Panadol Tablets

ХУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат **"Жўрабек"** хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" маҳалласи, Олмазор кўчаси, 165-уй.
Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

«ЎЗЭЛЛАС» Ўзбекистон — Греция қўшма корхонаси томонидан берилган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси ҳужжатларининг мажмуи (қайд рақами СП — А(463) бекор қилинади.

ТАШКИЛОТ майда ва йирик улгуржисига қуйидагиларни **СОТАДИ:**

шарикли ручкалар,
фломастерлар,
стерженлар,
(ҳужжатлар йиғиб қўйиладиган папкалар), скоршивателлар,
канцелярия елими,
паронит (прокладка материали),
фрикцион накладкалар,
тормоз колодкалари,
асбестли тахталар, арқон ва кукунлар.
Паррандалар ва ҳайвонларни семиртирувчи «Примикс» қўшимча озиқлантирувчини етказиб бериш юзасидан шартномаларни тузади.
Ҳақ тўлаш — исталган шаклда.
Телефонлар: (3712) 33-41-47, 36-77-48.

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ



Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

ВАТ

ЎЗБАТ

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Жаҳон тамакичилик саноатида катталиги жиҳатидан иккинчи компания ҳисобланган "Бритиш — Америкэн Тобакко" ("Би-Эй-Ти") компанияси гуруҳининг аъзоси — ЎзБАТ АЖ қўшма корхонаси бўш лавозимларни тўлдириш учун танлов эълон қилади ҳамда ишлаб турган Тошкент тамаки фабрикасига, шунингдек, яқин келажакда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарета фабрикасига ёши 40 дан ошмаган янги ходимларни ишга қабул қилади.

Ўринлар:

— муҳандис-механик
— муҳандис-электрик
— муҳандис-электрончи
— техника хавфсизлиги бўйича муҳандис
— муҳандис-технолог
— ишлаб чиқариш бўйича менеджер
— ишлаб чиқариш участкасининг мастери
— маъмурий-хўжалик хизматчилари

— механиклар

— машинист-операторлар
— электриклар
— слесарлар
— техниклар

Камида талаб этиладиган малака

— олий ўқув юртларининг битирувчилари
— олий ўқув юртларининг тижорат,статистика, бизнесни бошқарув мутахассислиги бўйича битирувчилари
— техникумлар ва ҳунар техника билим юртларининг битирувчилари

Иш стажи номзодларни танлашга таъсир этмайди. Техника хавфсизлиги бўйича муҳандис лавозимига номзодлар бундан мустасно, улар мутахассислик бўйича камида 3 — 5 йил иш стажига эга бўлишлари лозим.

Муҳандис-техник ходимлар учун инглиз тилини билиш ва компьютерда ишлай олиш қўшимча устунлик беради.

Ҳалол ва виждонан ишлашга интилиш ва ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари даражасига қадар модернизация этиш шароитларида ўз техникавий малакасини ошириш истаги билан ажралиб турувчи номзодлар афзал кўрилади.

Тўлдириш учун анктеани ЎзБАТ АЖ ҚК Бош идорасининг кадрлар бўлимида (манзили: Тошкент шаҳри — 700084, Ҳусниддин Асомов кўчаси, 4-уй) ва Самарқанд тамаки ферментация заводида (манзили: Самарқанд шаҳри — 703031, Рудакий кўчаси, 150-уй)дан олиш мумкин. Барча номзодлар танлов асосида дастлабки саралашдан ўтадилар ҳамда шахсан суҳбатга таклиф этиладилар.

Тиллашув

ҚОҒОЗ КЎЧАЛАР

Шовқинли шаҳарнинг кўчаларида уч ой адашибман... Манзилин йўқотган ой каби уч ой... тентираб, изғибман. Ниҳоят, яна ўз қоғозларимнинг бошига келдим. Қаровсиз қолган болалари ҳузурига қайтиб келган ота каби хижолатлиман. Хижолатнинг синиқ пиёласида кўз ёшларин ичиб тўймаётган ота каби...

«Салом қоғозлар!» деб айтган хитобимни ўзим «Салом, болалар!» деб эшитдим.

Дунёдаги ҳамма шаҳар-қишлоқларнинг кўчалари адаштиради. Нега шундай? Чунки, уларнинг устида оёқ билан юрилади. Қоғозлар ичидаги кўчалар эса, адаштирмайди. Нега шундай? Чунки улардан юрак билан юрилади. Фақат юрак билан юриш мумкин бу кўчалардан.

ИСМНИНГ ТУСЛАНИШИ

Баъзида ўз исмим ўзимга ёқмай қолади. Шунда мен ўзимни «менинг отим Андиша» деб мингирлаётган қўрқувга ўхшатаман.

ҒАЙБ ЭШИКЛАРИ



Бухородa Мир Араб мадрасасининг ўнг биқинида ғишт билан ёпиб ташланган ёнма-ён жойлашган икки туйнук бор.

Бир замонлар муҳтожлар туйнук пойига келиб, ўзларига керагича қарз сўраганлар. Серҳиммат, савобталаб кишилар тепадан ўзлари кўринмасдан биринчи туйнук орқали пул туширганлар. Муҳтожлар қарзни шу тарзда ғайбдан олиб кетганлар. Вақти етиб, ўша қарздорлар олган қарзларини иккинчи туйнукка қўйиб қайтганлар. Серҳиммат қарз берувчилар ҳатто қарзни қайтариб олар чоғларида ҳам ўзларини пинҳон тутганлар. Шунинг учун бу туйнуклар Ғайб эшиклари деб аталган.

Сўнгги замонларда эса, оқибат қочиб, биринчи туйнукдан қарз олган одамлар, иккинчи туйнукка қайтиб бормай қўйганлар. Шундан сўнг ғайб эшикларини эгалари ёпиб ташлашган.

Алқисса, бир пайтлар менинг юрагимнинг ҳам икки эшиги бор эди...

Сўнг юрагимнинг икки эшигини ҳам ғишт билан маҳкамлаб ёпиб ташладим. Ўзим эса, ичкарида қолиб кетдим.

ХОМ ХАЁЛ

Воажаб! Нафис яшнаб турган гуллар-да, кун келиб, мевалаб пишарлар. Нондай ҳалол, сувдай покиза ғудаклар ҳам вақт етиб, кексайиб пишарлар. Фикрлар қоғоз ўчоқларда, қайғулар юрак оташларида, севгилар хушбўй чимилдиқларда, хунлар қасос оловларида, кунлар шафақларнинг алвон чўғида, тунлар оқ тонгларнинг чақмоқ тиғида, ҳаммаси... ҳаммаси бир кун пишарлар. Узумлар, шафтолилар, олмалар... каби. Қуёш — олов, ер юзи қозон. Фақат хаёл пишмас... Хаёл ҳамиша хом хаёл.

УЧРАШУВ

Тунги соат 12 дан сўнг...

Менинг муҳим учрашувим бор. Менга бу учрашув роҳат манзили, ҳузур-ҳаловатнинг хилват гўшаси. Мен кўршапалак эмасман, лекин тунда яшайман. Менинг кўнглим қора эмас, лекин қоронги тунларни яхши кўраман. Чунки, хилватларда уйғонади дил. Одамнинг бор-йўғи иккита — дил ва жондир. Истаклар ҳам икки хил — дил истаги ва жон истагидир. Бир кун ҳам иккига бўлинган: кундуз — жон истаклари учун, тун — дил истаклари учун.

Тунги соат 12 дан сўнг... Менга халал берманг. Ўзим билан ўзим гаплашиб олай, йўқса, сизларга ҳам рост гапирмайман.

СУКУТ ВА СЎЗ

Ғавсул Аъзам Эвросий айтган эканлар: «Сукутдан фойдалана олмаган кимса Сўздан фойдалана олмайди».

Аслида бор нарса сукунат ичидадир. Биз шовқин-суронлардан чарчадик. Хотиржам бўлолмаган одамнинг назарида ҳатто тошлар ҳам чинқираётгандай, жимлик ҳам бақираётгандай туюлаверади. Лекин, шу бақириқ-чақириқлар-у, шовқин-суронлар, тириклик деб аталмиш сертовуш ҳаракат, хуллас, бутун олам ягона сукунатга ўраб қўйилганлигини сезмаймиз. Оламлар олам ичидадир.

Сукунат сўздан устунми? Сўз ҳақиқатга элтса, сукут моҳиятга элтади. Ҳақиқат эса, моҳият билангина ҳақиқатдир. Лекин, моҳият ҳам ҳақиқат билан моҳиятдир. Демак, моҳият ҳақиқатдан устунми? Моҳият ҳақиқатга олиб борадими ё ҳақиқат моҳиятга олиб борадими? Бу худди сўфийлар тариқатидаги руҳнинг худо билан қўшилиб кетиши каби ажралгандан ажралмасдир. Ҳақиқатга етишиш моҳиятдир.

МУҲАББАТ МАКТУБИ

Сизни соғиндим. Сиз билан диллашгим, яйраб-яйраб ўтиргим келади. Би-ир тепалик бўлса, унда серсоя би-ир дарахт ўсса, дарахтнинг остида бир чорпоя бўлса... Ўша чорпоя устида ўтириб иккимиз пастда ястаниб ётган қишлоқларни, далаларни, боғларни, одамларни томошо қилсак.

Мен сиз билан бир кун... йўқ, икки кун... йўқ, бир ой... йўқ, бир йил... йўқ, бир умр... йўқ, абадий шу чорпоя устида яйрасам, йиғласам, кулсам, ўйнасам.

Сизнинг узун-узун, чиройли бармоқларингизга тирноқ теккизгим келади. Худо бу бармоқларни қандай яратган? Сизнинг вазмин, лекин, кулганда яшнаб кетадиган нур тўкилиб тургувчи самимий чеҳрангизга узоқ термулгим келади. Бу меҳрибон чеҳрага қўнаётган губорларни нафасларим билан супурсам. Лабларимни теккизсам... Ёраб, мумкинмикин бу чеҳрага лаб теккизмоқ...

(Сизга ёзаётган мактубим худди шу лаҳзаларда узилиб қолди. Менга ишонинг, айнан шу пайтда ушбу мактубимни кимдир, албатта, бузиб қўяди деб ўйлаётгандим. Сезгим алдамади. Эшик қўнғироғи жиринглади. Истамайгина чақириққа пешвоз юрдим. Эшикдан ўзингиз билганингиз, ўша ажойиб йигит Икром кирди. У мен билан узоқ суҳбатлашди. Икромнинг узундан-узун (аслида бу йигит камгап эди) гапларидан фақат бир нарса эсимда қолди.

Эслайсизми, унинг қорачадан келган, озғин, баҳорнинг илимилиқ кунларида ҳам телпак кийиб юрадиган қашқадарёлик бир дўсти бўларди. Сиз уни кўргансиз. У йигитнинг кўзлари маъюс боқар, юзининг рангига сиз-у менга номаълум бир касалликнинг нуқси уриб кетганди. У билан танишганимизда мен сизнинг кўнглингизни авайлаб, бу йигит оғир беморга ўхшайди деб айтишга тортиндим. Зеро, сизга бировни касалманд деб айтсалар кўнглингиз чўкиб кетарди. Бунинг устига, менинг бу ажойиб укаларимдан айланиб-ўргилиб гиргиттон бўлардингиз. Мени яхши кўрадиганлар сиз учун жуда азиз эди. Ҳатто, ўзим уларга сизчалик меҳр кўргузолмасдим.

Икром менга оғир бир воқеани айтиб берди. Унинг дўсти оғир дардга чалиниб, касалхонада ётган экан. Икром... Бу оддийгина талаба дўстини операция қилдириш учун барча оғир енгилликларни бўйнига олиб, беморнинг уйига ота-онасига ҳам хабар юбормайди. У ўсма касалликлари шифохонасига дўстини жойлаб, унга қараб туриш учун ўзи бирга ётади. Унинг айтишига қараганда, дўстининг танасида без пайдо бўлган ва бу без бир неча ойнинг ичида жуда катталашиб кетган экан. Дўхтирлар жарроҳлик йўли билан безни олиб ташлашибди ва уни анализга топшириш учун Икромнинг қўлига тутқазишибди.

У қўрқинч ва алам билан шундай дегани эсимда: «Анализ қабул қиладиган бўлимга бораётган пайтимда мен дўстимнинг танасидан олиб ташланган безни эмас, бамисоли чақалоқнинг бошини кўтариб бораётгандай борардим. Чунки без худди чақалоқнинг бошига ўхшарди».

Мен кўп таъсирландим, лекин унга сездирмадим. Бир муддат жимликдан сўнг бу мардона йигитдан сўрадим:

— Дўхтирлар нима дейишяпти?..

— Улар рак қонга ўтган деб айтишяпти,— деди-да у оғир хўрсинди.

— У ҳолда сенинг ҳеч қандай ёрдаминг тегмайди. Зудлик билан дўстингнинг қариндош-уруғларини чақир,— дедим.

Икром индамади...

Сизга ёзаётган мактубим шундай узилиб қолди.

Қечқурунга мени қўшниларимиздан бири меҳмонга чақирганди. Зиёфатда уч-тўрт одам жам бўлишган экан. Улардан бири менга: «Сизнинг овозингизни соғиндик. Теша тегмаган гапларингиздан эшитишни истаймиз» деб мулозамат қилди. Ичимда, одамзот кеча пайдо бўлиб, тили бугун чиққан бўлса эди, теша тегмаган гап ҳам топиларди, деб қўйдим. Бунинг устига менинг «теша тегмаган» гапларим улар учун неччи пуллик эканлигини ҳам билардим. Шунинг учун кўпроқ уларга ойболта остида турган аён гапларимдан гапирдим. Улар барибир ҳеч нарсани тушунишмади. «Менинг овозимни соғинган» эмишлар. Таниқли композиторларнинг бирови менга бир пайтлар шундай деганди: «Мабодо сиз қўшиқ айтсангиз борми, ҳаммани лол қолдирардингиз». Мен ундан нимага асосланиб, бундай деяётганини сўрадим. У: «Чунки, сизнинг овозингизда ғаройиб тембр бор» деди. Мен кўп эшитганим, бу «тембр» сўзининг маъноси нима эканлигини тушунмадим ва тушунишни истамадим ҳам.

Менга зиёфат иштирокчиларининг мақсади аён, уларга таниқли композитор айтган ўша «тембр» билан бир неча «қўшиқ ижро этишим» керак эди. Менга нима... бу билан нима ўзгарарди-ю, нима ўзгармай қоларди. Уларнинг тобора кўпчиб бораётган талабини бажардим ва «бир неча қўшиқ ижро этдим».

Биламан, сизга ёқмайди бу гаплар. Бу лаънати «ижро» сизнинг ғашингизни келтиради. Менинг кимларгадир хизматкор бўлишим, аллақандай давраларда «ижрочи» бўлишим сизнинг аламингизни қўзғайди ва сизни юм-юм йиғлатади.

Нима учун сизга ҳамма нарсани ёзяпман. Ҳол-аҳволлашиб қўйсам ҳам бўларди-ку. Лекин, уйнинг бир бурчагида кўнгил ёз деб ўтириб турса, ёзмак керак. Шу кўнгилни ёзиш билан ёзгим келяпти, холос. Шу кўнгилни сиз билан кўриштиргим келяпти, холос. Қолаверса, ёзув қуш патидан ҳам... йўқ, ундай эмас, руҳнинг қанотларидан ҳам енгил. Унинг бировга оғири тушмайди (аксинча бўлиши ҳам мумкин, лекин ёзув менга шу зумда ҳавога ўхшаб кетяпти).

Қўйинг бу гапларни!— ё сиз, ё мен худди шундай дейишим керак эди. Янглишмасам, иккимиздан биримиз бу гапни айтгандай бўлдик. Гоҳо, менда шундай ҳол юз бериб туради, ҳозиргина айтилган гапни иккимиздан қайси биримиз айтганимизни ажратолмай қоламан. Ҳатто, овозларимизни ҳам ажратолмайман. Эслайсизми, ўзингиз ҳам баъзида бир пайтнинг ўзида, икковимиз ҳам бир нарса ҳақида ўйлаб қолишимизни ва гоҳо бир хил тушлар кўришимизни, хаёлларимиз ҳам бирбирига ўхшаб кетишини кўп таъкидлардингиз. Биз бир она қорнида ётган эгизаклар эмасмиз-у, лекин руҳларимиз эгизакларга ўхшайди.

Бир пайтлар бир туш кўргандим: унда иккимизни илонлар қувиб юрган эмиш. Илонларни ўлдириб-ўлдириб яна қочармишман. Кейинроқ, бир кўришиб қолганимизда, сиз менга худди ўзим кўрган тушга ўхшаш бир тушингизни айтиб бергандингиз. Йиллар ўтаяптики, мен ҳамон ўз атрофимдаги ва ўз ичимдаги илонларни ўлдириш билан машғулман. Оллоҳнинг инояти билан улар тобора камаймоқда.

Қўйинг, бу гапларни ва сизга ёзаётган мактубимни давом эттирай:

Нимага йиғлаяпсиз, азизам, меҳрибоним. Сиз мендан йироқдасиз, лекин кўнгил кўзларимга аён кўриниб турибдики, сиз йиғлаяпсиз, юм-юм йиғлаяпсиз. Нечун бу кўз ёшлар?.. Ким учун улар? Менинг гуноҳимни ювиш учунми? Дунёга келдим-у, ўн йил яшадим... ўттиз йил яшадим... саксон йил яшадим... минг йил яшадим. Лекин, сиз каби меҳрибон, сиз каби масъум бир аёлни кўра олмадим. Сизнинг лойингизни меҳрдан қорган. Сиз кулол қизими, ё меҳрнинг қизи?.. Сиз каби аёлни кўра олмадим...

Мен ухламак истайман, жоним. Сизнинг тиззангизга бошимни қўйиб узоооқ ухласам. Юз йил ухласам. Каштлар тиксангиз. Менинг танамга муҳаббат ёзилган маъюс кашталар...Юз йил тушларимда мен сизни кўрсам ва бир кун уйғонсам. Ва бошим устида мен сизни кўрсам... Яна тиззангизга бошимни қўйиб, боладай яйрасам, йиғласам, кулсам...

Нечук сиз маъюссиз, нечук сиз ҳайрон? Бир ғариб ошиқ деб дилингиз вайрон. Мендан фаришталар чекинди ҳайҳай, гуноҳларим кўпдир осий бандаман. Ўзлигим ўзимдан кетар пайдар-пай, сизнинг кўнглингизга бир асрандиман. Жигарим, сиз мени тарк этманг, фақат. Мен қулдай ёлборай, сиз кетманг, фақат.

Ҳеч кимга бошимни эгмай яшадим, лекин ҳар хурликнинг ўз поёни бор. Бор йўғим, сиз сари элтиб ташладим, дунёда ҳар қулнинг ўз султони бор. Севгилим, сиз мени тарк этманг фақат, дунё кетаверсин, сиз кетманг, фақат.

Нега йиғлаяпсиз, султон бегойим? Нечун кўзингизда дил парчалари? Саодат эшигин очсин худойим ва сизда гулласин ишқ ғунчалари. Дилёрим, сиз мени тарк этманг, фақат ҳаёт кетаверсин, сиз кетманг, фақат.

Бир кун дўстларимдан бирови айтди: Эй, ошиқ, қўлларинг қарибди, қара. Сизни чорлайверib қўллар қариди, сизни чорлайверib излади чора. Суйгулим, сиз мени тарк этманг, фақат, ўлим кетаверсин, сиз кетманг, фақат.

Сиз нурдай очилган муҳаббат гули, ёруғ меҳрибонлардан учган ибодат. Дунёда ҳаёт йўқ, демак йўқ ўлим, муҳаббат бор фақат, буюк муҳаббат. Ишқ гули, сиз мени тарк этманг фақат! Дунё кетаверсин, сиз кетманг фақат!

Эшқобил ШУКУР

РУҲ БУРЖИДАГИ НУР

«ПАХТАКОР—79» ХОТИРАСИ

1979 йил 11 август. Футболимиз тарихида машъум кун. Тошкент — Гурьев — Донецк — Минск йўналиши бўйича учаётган самолёт айнан шу куни ярим тунда Днепродержинск райони яқинидаги Куриловка қишлоғи осмонида ҳалокатга учради. Ҳалок бўлган йўловчилар орасида «Пахтакор» футбол командасининг 17 аъзоси —Равил Агишев, Михаил Ан, Олим Ашуров, Константин Баканов, Сирожиддин Бозоров, Юрий Загуменних, Шуҳрат Эшбутаев, Александр Корченов, Николай Куликов, Владимир Собиров, Владимир Макаров, Идгай Тазетдинов, Мансур Толибжонов, Сергей Покатилов, Фладимир Фёдоров, Владимир Чумаков, Виктор Чуркинлар бор эди.

Таниқли футбол шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев марҳум пахтакорчиларни яқиндан билган, уларнинг сафарларида бирга юрар эди. У кишидан хотираларини сўзлаб беришни илтимос қилганимизда,кулиб турган Ахбор ака бирдан хомуш тортиб қолди...

— Ахбор ака, пахтакорчиларни охирги марта қачон кўргандингиз?

— 8 август куни. «Пахтакор» — «Заря» учрашуви булганди. Уйин 3:1 ҳисобида ғалабамиз билан тугаганди. 11 август — Физкультурачилар куни муносабати билан телекўрсатув тайёрланганди. Уни эфирга беришдан икки кун олдин овоз беришда носозлик борлиги аниқланди. Курсатув куни эса шарҳловчи Роман Турпишев «Пахтакор» билан Минскда бўлиши керак эди. Раҳбарлар қистови билан у носозликни кўрсатув жараёнида тузатиб уқийдиган бўлди ва самолёт билетини қайтариб топширди.

— Шум хабарни қаерда эшитдингиз?

— 12 август куни «Пахтакор» стадионида ҳакамлар нормативи топшириши керак эди. Эрталаб стадионга келсам бор-йўғи икки киши бор. Жимжит. Нима гаплигини билиш учун спорт комитетига телефон қиламиз, банд. Охири ўзимиз бордик. Ҳалокат юз берганини шу ерда айтишди.

— Тўғри, «Пахтакор» аъзоларининг ҳаммаси сизга қадрдон бўлишган. Шундай бўлсада барибир қайсидир футболчига меҳрингиз баланд бўлган...

— Ҳа, Миша Ан билан муносабатимиз яхши бўлган. Сабаб Ан 9 синфда уқиётганда республикамиздан олти нафар ёш футболчини Иттифоқ ўсмирлар терма командаси йиғинига чақиришди. Аксига олиб уларни олиб борадиган икки мураббий бетоб бўлганлиги учун мени жўнатишди. Грузиянинг Эшери шаҳрига собиқ Иттифоқнинг 40 нафар ёш футболчиси тупланишди. Улар орасида республикамиздан Виктор Пшеничников, Валерий Ортиқов, Виктор Жалилов Александр Буркин, Николай Коломейцев ва Михаил Ан бор эди. Ушанда собиқ СССР ўсмирлар терма командаси тренерлари менга қараб

ОСМОНГА СОЧИЛГАН ЮЛДУЗЛАР

«Бахтли одам экансиз. Мана шу корейс Ан келажакда футбол профессори бўлади» дейишганди. Шу-шу қадрдон бўлиб қолдик. Ан сафардан қайтган куни эртасига албатта олдимга кирарди.

— Ўша пайтлари «Пахтакор»дан кимларни бошқа командага таклиф қилишган?

— Аниқ биламан, Владимир Федоровни «Динамо» (Киев)га чақиришган. Лекин у «Пахтакор»ни тарк этмади.

— Маълумки, Минск сафарига отланаётган футболчилар ўшанда ўзларини бошқача тутишган. Нима, хавфни олдиндан сезишганми...

— Ҳақиқатан ҳам қизиқ. Ёшлар ўртасида Европа чемпиони, халқаро классдаги спорт устаси Михаил Ан бошқа шаҳарларга одатича костюмда кетаверарди. Минск сафарига эса худди меҳмонга бораётгандай энг яхши кийимларини кийиб келди. Уйидагилар бунинг сабабини сўрашганда кулимсираб «Минскка ўйнагани эмас, командадошларимни қўллаб-қувватлагани бораётирман», деган экан.

Олимпиада ўйинининг бронза медали соҳиби, Европа чемпиони, халқаро классдаги спорт устаси Владимир Федоров эса тунги соат иккигача отаси билан гаплашиб утирган. Отаси: «Ўғлим, вақт алламаҳал бўлиб қолди, ётиб ухла. Эртага сафарга жунайсан», деса Володя «Отажон, шундоқ ҳам кам учрашамиз, бугун тўйиб гаплашиб олайлик, сизни соғиниб қоламан» деган.

Сирожиддин Бозоров ўринбосарлар таркибида Минскка бир кун олдин жунаши лозим эди. Қариндошлариникида тўй важидан бир кун кейин учадиган булди...

— Ажойиб футболчилар эдида...

— Ҳа. Истъдодли футболчилар жамланганди. Мана-ман деган команда билан тенгма-тенг кураша оларди. Чапдаст ва эпчил Владимир Фёдоров норматив топширишда Блохиндан ҳам ўзиб кетган. Майдоннинг исталган нуқтасига тўпни етказиб бериш ва жарима тўпини қойилмақом қилиб тепишда Ан ҳақиқатан ҳам футбол профессори эди. Шуҳрат Эшбутаев, Сирожиддин Бозоровлар ўзбек футболининг юлдузи бўлардилар.

— Оталари изидан борганлар бўлдими?

— Ҳа, Дмитрий Ан, Александр Корченов, Олег Ашировлар маълум муддат футбол уйнашди. Ҳозир фақат Константин Бакановнинг уғли Сергей уйнаётир. У республика ўсмирлар терма командаси аъзоси.

— Хотира турнири ҳақида икки оғиз гапирсангиз.

— 1990 йилдан буён турнир утказилиб келинаётир. Ўтган даврда кўплаб командалар ушбу мусобақада қатнашди. Халқаро турнирга қатор ташкилотлар, жумладан, «Узбекистон ҳаво йуллари» авиакомпанияси ҳомийлик қиляпти. Хотира турнирининг ҳал қилувчи уйинлари Николай Куликов юрти — Янгиер ҳамда Владимир Собиров ва Равил Агишевлар катта футболга қадам қўйган Бухоро шаҳарларида бўлиб утди. Бугун эса пахтакорчиларнинг оила аъзолари, фахрийлар, ҳакамлар, журналистлар, футбол федерацияси мутасаддилари «Боткин» қабристонига йул олиб, собиқ пахтакорчилар ҳайкал пойига гуллар қўйишади, йигитларни ёдга оладилар. Сунгра Сирожиддин Бозоров туғилиб ўсган Самарқанд вилояти Нарпай туманига йул олишади. 11 август куни бу ерда хотира турнирининг ҳал қилувчи учрашуви ва ўзига хос маросим бўлади.

Равшан ШОДИЕВ суҳбатлашди.

Спорт

Биринчи лига

ПЕШҚАДАМЛИККА ДАЪВОГАР

· Ўринбосарлар жамоалари ҳам мамлакат миллий чемпионатининг ҳал қилувчи давраси ўйинларини хужумкор руҳда ўтказмоқдалар.

Иккинчи гуруҳда кўпдан бери Бўстонликнинг «Ғазалкент» жамоаси футболчилари пешқадамликка талабгорлик қилар эдилар. Бу жамоа биринчи даврани пешқадам сифатида якунлагани ҳам маълум. Лекин иккинчи даврада сусткашликка йўл қўймоқда. Косонсойнинг «Қушон» футболчилари эса аксинча, муваффақиятли уйнаб, мавқеларини мустаҳкамлашмоқда. Бу иккала жамоа ўртасида Ғазалкентда ўтказилган учрашувда меҳмонларнинг устун (0:1) келиши пешқадамликка даъвогарлик борасига равшанлик киритди. Косонсойликлар очколарини 39 га етказишди. «Ғазалкент» ҳисобида 34 очко бор. Биринчи гуруҳда эса Урганч динамочилари ҳамон пешқадам. Улар ҳисобида 40 та очко тўпланган. «Прогресс», «Зарафшон», «Тегирмончи» жамоаларида 30 тадан очко жамғарилди.

Ёднома

МАЙДОНДА ЎРИНБОСАРЛАР

· Эртага Тошкентда собиқ пахтакорчилар хотирасига бағишланган анъанавий мусобақанинг финал учрашуви бўлади.

Маълумки, Тошкентда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган хотиравий мусобақага ҳалқаро тус берилди. Чунончи, бу мусобақада мамлакатимиз ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг бир қанча шаҳарларидан келган жамоалар иштирок этмоқда. Мусобақага «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳомийлик қилмоқда. Совринли ўринларга эса Алмати болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Зарафшоннинг «Прогресс» ҳамда Тошкент олимпиада ўринбосарлари мактаби жамоалари асосий даъвогар бўлиб туришибди. Нарпай туманидаги «Москва» жамоа хўжалигида эса катталар ўртасида хотиравий мусобақанинг ўзига хос маросими уюштирилади. Бу ерда «Суғдиёна» ва «Навбаҳор» жамоалари бош совриn учун курашадилар.

Шифокор огоҳлантиради

ГИЖЖА ҲАМ ХАСТАЛИК

Умида исмли қизалоқ яхшигина улгаяётувди. Унинг барча касалликлари болалар богчасига борганидан кейин бошланди. Қизалоқ серхаракша, ўжар ва йиғлоқи бўлиб қолди. Озиб кетди. Уйқуси бузилди. Иштаҳаси йўқолди, киндиги атрофи оғриб, орқа чиқарув тешиги қичишадиган, кечалари уйқудан уйғониб кетадиган бўлиб қолди. Онаси кўрса қичишган жойда майда-майда оқ қуртлар пайдо бўлган. Она дарҳол 2-Тошкент тиббиёт институти клиникасидаги гижжа касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича республика бўлимига мурожаат қилди. Лаборатория анализи вақтида қизнинг ахлатида майда гижжалар ҳамда лямблия пўстлоғи мавжудлиги аниқланди. Дарҳол тегишли даволаш чоралари қўлланилгандан кейин бола мутлақо ўзгарди: овқат ея бошлади, сал кунда йўқотган вазнини тиклаб олди. Муҳими, тинч ухлайдиган бўлди.

Хўш, унга нима қилган эди?

Қуртлар ёки гижжалар тиббий адабиётларда глистлар ёхуд гельминтлар деб ҳам юритилади. Улар одам танасида ҳайвон ва ўсимликларда яшашга қодир бўлган паразитлардир. Одамда яшайдиган гельминтларнинг 250 дан зиёд тури мавжуд. Улар одамга сув, сабзавот, кўкатлар истеъмол қилинганда, ўрин-тўшак, чанг зарралари орқали юқиши мумкин. Одам хом нарса, чала пишган гўшт, балиқ, қисқичбақа истеъмол қилган вақтда ҳам гельминтларнинг бир қатор личинкалари — энди тухумдан чиққан майда қуртлари танага тушади. Кўпинча ифлос сувда чўмилганда ҳам гижжалар тери, шиллиқ пардалар орқали танага ўрнашиб олиши мумкин.

Гельминтлар одам баданидаги барча тўқималар ва аъзоларни жароҳатлайди. Жумладан, одам ичакларида аскарида деб аталадиган юмалоқ гижжалар, острица, карлик гижжа, тўқлибош, қийшиқбош, мол гижжаси, чўчқа гижжаси, кенг тасма деб аталадиган гижжалар кўпаяди. Ўт пуфаги йўлларида жигар қурти ва Сибирь гижжаси ин қўяди. Ришта ва бошқа хавфли касалликларни қўзғатувчи гижжалар тери остига жойлашади. Мускул-мушакларда трихинеллар, лимфатик томирларда — филяр, вена қон томирларида шистосом гижжалар бўлади. Гельминтлар қайси аъзога тушса, ўша аъзодан ва унинг таркибидан озиқланади. Улар бир неча ҳафта, қирқ йил ва ундан ҳам кўпроқ яшаши мумкин.

Республикамизда касаллик тарқатувчи гижжаларнинг энтеробиозлар, гименолицедозлар, аскаридозлар, тениаринхозлар, дифилобатриозлар, фасциалёзлар, эхинококкозлар турлари аниқланган. Бундай гельминтлар ўзи тушган аъзоларни жароҳатлайди, бемор асабий ҳолга тушади, унинг қони, эндокрин системаси ишдан чиқади. Гельминтлар кучли аллергенлар ҳисобланади. Шу сабабли аллергия билан оғриган беморлардаги гижжалар даволанганидан кейин аллергия ҳам тузалиб кетади. Гельминтоз билан оғриган бемор СПИД, тери руҳий касалликларга чалиниш хавфи бўлган беморлар гуруҳига киради. Бадан оқариб қолиш (пес) касаллигининг сабабчиларидан бири ҳам гельминтлар ҳисобланади.

Одам гельминтоз билан оғриганлигини қандай билиши мумкин? Бундай пайтда беморда умумий беҳоллик кузатилади. Тинка-мадори қурийди. Иштаҳа пасаяди ёки кўтарилади. Озади, сўлаги оқади. Киндик атрофи, ўнг томондаги қовурғалари ости оғрийди. Боши айланади. Бемор тажанг бўлиб қолади. Териси қичишади. Уйқуси бузилади. Баданида шиш пайдо бўлади. Бетоқатланиб, гоҳо ҳушидан кетади. Гижжа касаллигига чалинган кишини аниқлаш қийин эмас. Унинг ахлатидаги гекаридлар, острицалар кўриниб туради. Мол гижжаси одам танасида турганини билдириб ҳатто «овоз» чиқаради. Умиданинг баданидаги гижжа қуртлари тиббиётда острицалар деб аталади. Улар одамда бор-йўғи 3-4 ҳафтагина яшайди. Бироқ бу касаллик сурункали тарзда кечиши кузатилади. Осрицанинг урғочиси орқа тешикдан чиқаётиб унинг деворларига 12000 тагача тухум ташлайди ва ўзи ҳалок бўлади. Қўйилган тухумлар тана ҳароратида, ўзи қўйилган жойдаги намлик ва кислород мавжудлиги шароитида орадан уч соат вақт ўтиши билан юқумли, зарарли микробга айланади Бунда фақат гельминтоз касалликларининг олдини олиш, диагноз қўйиш ва даволаш бўйича республика бўлимининг юқори малакали мутахассислари ёрдам беришлари мумкин.

Ўзбекистонга тропик мамлакатлардан кўплаб хорижий фуқароларнинг юртимизга келаётганлиги ўлкамизга тропик гельминтозлар келиб қолиш хавфини кучайтирмоқда. Бундай касалликлар фақат ташқи муҳитдаги объектлар орқалигина эмас, ҳатто пашша, чивин, ари сингари ҳашаротларнинг чақиши туфайли ҳам одамга юқиши мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, гельминтознинг тарқалиш манбаи кўп ҳолларда бемор киши ҳисобланади. Вазифамиз гельминтоз касаллигининг янги турлари ва янги манбалари пайдо бўлишининг олдини олишдан иборат.

Д. ТУРСУНОВА.
тиббиёт фанлари номзоди.

Хабарингиз борми?

«КАВСАР» КАРВОНСАРОЙИ ОЧИЛДИ

Жарқўрғондаги Сурхон қўрғони қошида қурилган кошона—карвонсаройнинг очилиш маросимида қатнашганлар вилоят ичимлик сув таъминоти трестининг бошқарувчиси Суюн Турсуновнинг тадбиркорлигига тасаннолар айтишди.

Карвонсарой меҳмонни хушнуд этмоғи учун ҳамма шароит муҳайё: меҳмонхона хоналарида телевизор, салқинлатгич, ванна, овқатланиш, дам олиш хоналари. Ҳовлида минг хил мол таҳланган дўконлар. Суратхона, телеустахона. Ошхонада Фарғона чойхоналарининг шароити-ю Тошкент ошхоналарининг таровати.

Ҳа, катта йўлнинг устидаги карвонсарой йўловчиларнинг дилини тортадиган бекат бўлиб қолса ажаб эмас. Бу ёғи энди мезбоннинг мулозаматига боғлиқ.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси жамоалари инспекциянинг етакчи эксперти Фатхулла Маҳмудовга акаси **Убайдулла МАҲМУДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат таълим стандартлари бўйича республика инспекцияси жамоалари инспекциянинг бўлим бошлиғи муовини Эркин Зариповга укаси **ОЛИМЖОНнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0334.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 19. 30.

1 2 3 4 5 6